

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИДОЯТОВА ДИЛАФРУЗ АБДУҒАФФОРОВНА**

**ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ ВОСИТАСИДА ТАЪЛИМ  
РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР  
ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy  
(PhD) on pedagogical sciences**

**Хидоятова Дилафруз Абдуғаффоровна**

Интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни самарадорлигини ошириш..... 3

**Хидоятова Дилафруз Абдуғаффоровна**

Повышение эффективности процесса повышения квалификации преподавателей узбекского языка в школах с русским языком обучения по средством модели интерактивного обучения ..... 23

**Khidoyatova Dilafruz Abdugaffarovna**

Increasing the efficiency of the process of improving the skills of Uzbek language teachers of schools with the Russian language of instruction by means of interactive education models..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 48**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИДОЯТОВА ДИЛАФРУЗ АБДУҒАФФОРОВНА**

**ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ ВОСИТАСИДА ТАЪЛИМ  
РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР  
ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped45 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Йўлдошев Жўра Ғаниевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мухитдинова Хадича Собировна**  
педагогика фанлари доктори

**Халилова Шахноза Турғуновна**  
педагогика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Олий ва ўрта махсус таълимни  
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.С.Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Ғ.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Д.Д.Шарипова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
п.ф.д., профессор

## Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб таълим соҳасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган барча ишларга келажакка қўйилган инвестиция деярлик қаралмоқда. Таълимнинг барча бўғинлари сифатини кўтариш билан бир қаторда жамиятда ижтимоий-лингвистик стратегияларнинг самарадорлигини ошириш долзарб вазифа қилиб қўйилмоқда.

Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқаришга катта аҳамият бериб келинмоқда<sup>1</sup>. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, уни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, шу жамиятда яшаётган фуқароларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга боғлиқ. Шу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ва бошқа вазифалар таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида белгиланди<sup>2</sup>.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида таълим тизимида ўзга тилни ўқитиш жараёни самарадорлигини оширишда интерфаол методларни қўллаш (Carl Wieman Science Education Initiative (CWSEI) лойиҳаси, Британия Колумбияси), машғулотларнинг самарадорлигини оширишда интерфаол электрон ўқитиш тизимидан (interactive E-learn) фойдаланиш (Purdue University, АҚШ; JCM International Management Engineering Institute, Хитой халқ республикаси) ҳамда интерфаол таълимни амалга ошириш (International Institute for Sustainable Development, БМТ) бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Юртимизда педагогика соҳасида иккинчи тилни ўргатиш имкониятларини ошириш бўйича педагог кадрларнинг замонавий таълим моделларидан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Диссертация мавзуси айнан шу масалалар тадқиқига бағишланганлиги билан ҳам долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 й. 24 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт - матбаа концерни., 1997. – Б., 5.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сонли “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 27 февралдаги 103-сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари асосида тараққиётнинг “ўзбек модели” амалга оширилиши, мамлакатимиз ҳаётидаги янги босқични бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда таълим жараёнини ривожлантириш мақсадида белгиланган концептуал ғоялар мазкур тадқиқот учун илмий методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари республикамиз тадқиқотчилари А.Абдуқодиров, Н.Азизхўжаева, А.Акмалов, У.Бегимкулов, В.Беспалько, В.Боголюбов, М.Жуманиёзова, М.Кларин, О.Мусурмонова, Ш.Мардонов, М.Очилов, Д.Рўзиева, Н.Саидахмедов, В.Сластенин, Ў.Толипов, Ш.Шарипов ҳамда Ш.Қурбонов, шунингдек, хорижлик олимлар L.Harvey, J.Goldberg, Bryan R.Cole, Ronald J.Fitzgerald, Jeffrey J.Burgard томонидан тадқиқ этилган.

Таълимнинг турли босқичларида интерактив методлар ва уларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги роли ҳамда аҳамияти З.Ахророва, С.Бобоқулов, А.Жумаев, Э.Маматқулов, М.Махмудов, Б.Мирзахмедов, Э.Сейтхалилов, Г.Эсонова; таълимда интерфаол методлардан фойдаланишнинг амалий-технологик жиҳатлари Н.Brown, D.Ciuffetelli, P.Исянов, М.Уразова сингари олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Р.Толипова, Х.Мухитдинова, С.Адилова, Ҳ.Асалов, Г.Ахмедова, Г.Ахророва, Ш.Бўронова, Л.Мирджалалова, Г.Мухамеджанова, С.Назарова, М.Рихсиева, Д.Тошхўжаева ҳамда Ф.Умарова томонидан олиб борилган илмий ишларда асосий эътибор таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш, бу борада самарадорликка эришиш масалаларининг тадқиқига қаратилган.

Малака ошириш тизимини такомиллаштириш, педагог кадрларни касбий жиҳатдан қайта тайёрлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш

тизимда таълим жараёнини табақалаштириш, таълим сифати менежментини такомиллаштириш масалалари Ж.Ғ.Йўлдошев, Ҳ.Қ.Йўлдошев, К.Зарипов ҳамда М.А.Юлдашев томонидан ўрганилган.

Малака ошириш тизимини такомиллаштириш, таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш муаммолари юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол таълим моделидан фойдаланиш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот А.Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий-техника дастурлари режаси асосида “Касбий диагностика асосида малака оширишнинг мазмуни ва шакллари аниқлаш юзасидан комплекс тадқиқотлар ва тажриба-синовлар ўтказиш ҳамда концепциясини яратиш” ХТФ2/002-сонли фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интерфаол таълим моделини такомиллаштириш асосида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёни самарадорлиги бўйича ривожланганлик кўрсаткичлари мониторингини амалга ошириш;

ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини интерфаол таълим модели асосида такомиллаштириш;

интерфаол методларнинг ўзбек тилини ўқитиш самарадорлигини оширишдаги дидактик имкониятларини аниқлаш, уларни ўзга тил ўргатиш тамойилларига мослаштириш;

ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишга ўргатиш механизминини белгилаш;

интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида ташкил этиладиган таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари курсларининг малакасини ошириш жараёнлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришнинг шакл ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида педагогик кузатув, назарий-қиёсий таҳлил, сўровнома, педагогик тажриба-синов, математик-статистика, интервью каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

интерфаол методлардан фойдаланиш механизми тингловчиларнинг эҳтиёжлари асосида уларнинг мотивацияси, касбий компетенцияларини ошириш, ўзга тилни ўргатишдаги муаммоли вазиятларнинг самарали ечимларини қўллаш ва коммуникатив жараёни фаоллаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўзга тилни ўргатиш тамойилларига мувофиқ ўқиш, гапириш, фонетик талабларга мос талаффуз қилиш, тинглаб англаш, расм орқали фикрни ифодалаш, диалогик нутқ, ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга асосланган интерфаол методлар такомиллаштирилган;

“Мевали салат”, “Ким етакчи?”, “Об-ҳаво”, “Илтимос, бундай қилинг!” ва бошқа энержайзерлар ҳамда “Бутерброд”, “Гапни тўлдириш”, “Кечаги кунни тасвирланг”, “Пантомима” каби рефлексия машқлари ўзбек тилини ўргатишнинг замонавий методларига мослаштирилган;

таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол таълим моделидан фойдаланишнинг илмий асослари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни самарадорлигини оширишда интерфаол таълим модели жорий этилган;

таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчиларини интерфаол методлардан фойдаланишга ўргатиш механизми такомиллаштирилган;

ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиладиган интерфаол методларнинг педагогик-дидактик аспекти такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражалари кўрсаткичлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олингани, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида қайта ишланганлиги ва асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган назарий ғоялар ва услубий тавсиялар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасаларида таълим жараёни



самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини интерфаол таълим модели воситасида ташкил қилиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашга, малака ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишга, интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёни самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

малака ошириш жараёни самарадорлигини оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сонли қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида»ги низомнинг 9- ва 14-бандларида ўз аксини топган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 18 февралдаги 03-02/1-7-1399-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнида ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш асосида таълим сифатини оширишга имкон яратди;

Тадқиқот иши юзасидан ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган интерфаол таълим модели ва интерфаол методлар Республика Таълим маркази илмий кенгашининг 2017 йил 30 июндаги 2-сонли қарори билан республикадаги таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида фойдаланишга тавсия этилган (Республика Таълим марказининг 2017 йил 27 июлдаги 01/11-01/04-891-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия ва тадқиқот юзасидан яратилган бир қанча методик таъминотлар республиканинг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларида ўзбек тили ўқитувчилари томонидан фойдаланилди ва бу ўзбек тили дарс жараёнлари самарадорлигини ошириш имкониятини яратди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 15 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси республика ва хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар мисолида таҳлил этилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган, муҳим натижаларнинг оммалаштирилганлик даражаси ёритилган.

Диссертациянинг **“Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарияси”** деб номланган биринчи бобида малака ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш, таълим сифати ва малака ошириш жараёни сифатига бўлган ёндашувлар, тадқиқот муаммосининг мамлакатимизда ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини таъминлашда моддий омиллар билан бир қаторда педагог кадрларнинг касбий тайёргарлик даражаси, салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Педагогларнинг касбий салоҳиятини ошириш ва давр талабларига мувофиқ фаолият юрита олишлари учун зарур шарт-шароит яратишда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими алоҳида ўрин тутди. Сўнгги йилларда педагог кадрлар малакасини ошириш жараёни самарадорлигини оширишда интерфаол таълимдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказий Осиёда таълим методларининг ривожланиш тарихи ўрганилганда турли таълим усуллари амалиётда қўлланганини кўриш мумкин. Жумладан, Абу Али Ибн Сино “Тадбир ал манозил” асарида ёш болаларни туғилганидан бошлаб вояга етгунигача маълум тартибда тарбиялаб бориш лозимлигини айтади. У болаларни якка тартибда ўқитишдан кўра жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва бу усулнинг устунлиги ҳақида шундай деб ёзади: “Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўқувчилар бирга бўлганларида доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар”.

Интерфаол таълим тушунчаси ўзбек тилида «ўзаро фаоллик», «ўзаро таъсир» маъноларини билдиради. Ўзаро фаоллик ва ўзаро таъсир асосида ташкил этиладиган педагогик жараён борасида Абу Али ибн Сино, Мирзо

Улуғбек, Абдулла Авлонийнинг асарларида билдирилган фикрлар бу усулларнинг дидактик имкониятларини кенг ёритиб берган.

«Интерфаол таълим» тушунчаси ҳозирги педагогик жараёнда кенг қўлланилаётган янги атамалардан бири ҳисобланади. Педагогик лексиконга у XX асрнинг 90-йиллари охирларида кириб келди.

Тадқиқотчилар томонидан бу атаманинг педагогик жараёнда пайдо бўлишининг бир нечта эволюцион ривожланиш даврлари ўрганилган.

XX асрнинг 60–70- йилларида ахборот ва компьютер технологияларидан интерфаол таълим доирасида фойдаланиш ва масофавий таълим назарияси пайдо бўлди. ЮНЕСКОнинг таълимда ахборот технологиялари институти (ИИТО) олимлари Владимир Кинелев, Пит Коммерс, Борис Коцикнинг фикрича, компьютер пайдо бўлиши билан ундан таълим бериш воситаси сифатида фойдаланиш ғояси туғилган. 1970-йилларда электрон ўқитувчи вазифасини бажарувчи биринчи дастурлар пайдо бўлган. Бу мутахассис ва янги келган ишчи ўртасидаги интерфаол диалогли дастурлар кўринишида бўлиб, мутахассис янги ишчининг камчиликларини тўғирлаб бориши талаб этилган. 1980-йилларнинг бошларида эса таълим беришда компьютер ёрдамида мураккаброқ дастурлар тизими ишлаб чиқарила бошланди.

1980-йилларнинг охирларига келиб бир қатор муаллифлар, жумладан, В.В.Гузеев, М.В.Кларин, Е.С.Полат, В. А.Сластенинлар таълимнинг нафақат пассив ва фаол, балки интерфаол моделларини ҳам ажратиб кўрсатишади.


Илмий адабиётларда тадқиқотчилар «интерфаол таълим» тушунчаси ҳамда интерфаол таълим усулларининг педагогик жараёнда қўлланишининг кенгайиб боришини 1990-йилларнинг ўрталарида интернет тармоғининг ривожланиши билан боғлашади.

Кейинги йилларда жаҳонда таълим жараёнини такомиллаштириш муаммоси бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Жумладан, L.Deslauriers (Буюк Британия) томонидан олиб борилган изланишлар анъанавий таълим бериш методларидан интерфаол методларнинг афзалликларини аниқлаш масалаларига қаратилди; ҳар томонлама алоқа тамойилига асосланган интерфаол таълим жараёнларининг назарий асослари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг International Institute for Sustainable Development (IISD) таълим лойиҳаси доирасида яратилди; интерфаол электрон-ўқитиш самарадорлиги асослари Z.Zhou, J.S.K.Chang, J.Pan (Хитой) ва D.Whittinghill (АҚШ) сингари олимлар томонидан ишлаб чиқилди.

Бизнинг назаримизда, “интерфаол жараён” бир неча кишиларнинг ўзаро фаол ахборот алмашинуви бўлса, “интерфаол таълим” таълим жараёни субъектлари (ўқитувчи ва тингловчи, тингловчи ва тингловчилар) ўртасидаги ўзаро фаол, таъсирчан ҳаракат, яъни ўқув предметлари бўйича билимларни фаол, қизғин мунозаралар асосида ўзлаштириш шаклидир.

Тадқиқотимизда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малака ошириш курсигача, курс жараёнида ва курсдан кейинги даврда узлуксиз малака ошириш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган интерфаол методлардан фойдаланиш ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шу асосда таълим рус тилида олиб бориладиган

мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланишни қуйидаги механизм асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ деб топилди (1-расм).



**1- расм. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини таомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш механизми**

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчиларининг таълим рус тилида олиб методлардан фойдаланишлари мониторинги ташкил этилди.

Диссертациянинг **“Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланишни ўзга тилни ўргатишга мослаштириш тамойиллари”** деб номланган иккинчи бобда интерфаол методларнинг турлари ва улардан малака ошириш жараёнида фойдаланишнинг педагогик асослари таҳлил қилинн ҳамда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш андрогогика соҳасини такомиллаштиришда фойдаланиладиган интерфаол методларнинг педагогик таснифи ишлаб чиқилди.

Ушбу бобда шунингдек, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол методларнинг турлари ва улардан тегишли машғулотларда ва вазиятларда фойдаланиш шартлари ҳамда тартиби тўғрисида сўз юритилган.

Хорижий мамлакатлар ва республикамиз педагогларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш натижасида айни вақтда таълим жараёнида турлича интерфаол методлардан фойдаланилаётганлиги аниқланди. Тадқиқот иши давомида уларнинг ўзга тилни ўргатиш самарадорлигини ошириш, уларни ўзбек тили ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш, ўқувчиларнинг ўзга тилни ўрганиши билан боғлиқ компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари таҳлил этилиб, интерфаол методларнинг айрим жиҳатларига ўзгартиришлар киритилди ва турли мавзуларга мувофиқ номланди (1-жадвал).

Интерфаол методларнинг барчаси муайян даражада дидактик имкониятга эга. Бироқ уларнинг барчаси тил, шу жумладан, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўргатишда бирдек самарали фойда бермаслиги мумкин.

Таълим модели, ўрганилаётган фан ва мавзу йўналиши, ғояси, кўлами ҳамда объектив, субъектив сабаблар ва бошқа жиҳатларига кўра интерфаол методларни тўғри танлай олиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларда интерфаол методларни тўғри танлашда эътибор берилиши лозим бўлган омиллар бўйича Черкасск институти профессори И.П.Подласийнинг, Куанта Ру Университети (Мексика) олимлари М.Санчес, М.Марибель сингари олимларнинг таҳлиллари ўрганилиб, тажриба гуруҳи респондентлари ўртасида махсус методика асосида тажриба-синов ишлари ташкил этилди. Бунда машғулотларга тайёрланиш жараёнида интерфаол методларни тўғри танлаш учун эътибор берилиши лозим бўлган омиллар ва уларнинг кетма-кетликлари аниқланди. Қуйида таълим методларини танлашга ўз таъсирини ўтказувчи объектив ва субъектив сабаблар кетма-кетлиги таҳлиллар асосида келтирилди (2-жадвал).

1-жадвал.

Ўзга тил ўргатишда интерфаол методлар самардорлиги таҳлили

| Чет эл олимларининг тадқиқотларида амалдаги интерфаол методлардан ўзга тилни ўқитишда фойдаланишнинг самардорлик кўрсаткичлари |   |  |                                   | Тадқиқот доирасида ўзбек тилини ўқитиш учун мослаштирилган, такомиллаштирилган интерфаол методлар |   |                            |  |
|--|---|--|-----------------------------------|---|---|----------------------------|--|
| №  | Интерфаол метод   | Хориж олимлари ва тадқиқот олиб борилган жой                           | Ўзга тилни ўқитишдаги самардорлик | Такомиллаштирилган интерфаол методлар   | Уларни мослаштириш йўналишлари  | Самардорлиги (6-8 синфлар) | Ўқувчиларда ривожланган компетенциялар   |
| 1  | Ролли ўйинлар   | Фенг Луи, Юнг Динг (Кингдао Университети, Хитой халқ республикаси)     | 80%                               | Ролли ўйинлар: “Синф мажлиси”, “Табиат”   | Ўзбек тили фани мавзуларига мослаштирилган диалоглар ташкил этилади   | 68%                        | Лингвистик, жисмоний, мантикий фикрлаш, ўзаро муносабат (киришувчанлик) компетенциялари  |
| 2  | Ишбилармонлик ўйинлари (business simulation games)  | Тиффани Форд (Линденвуд Университети, Миссури, АҚШ)                    | 70%                               | Ишбилармонлик ўйинлари: “Минора қуриш”, “Бозорча”   | Ўзбек тилини ўқитиш жараёнига мослаштириш мақсадида топшириқнинг 2- босқичидаги вазифалар ўзбек тилидаги сўзлардан фойдаланилган ҳолда бажарилади | 62%                        | Фазо ва маконни, мухитни ҳис этиш, мантикий фикрлаш, луғат бойлигини ошириш, мулоқот, материаллар, маҳсулотлар билан ишлаш компетенциялари       |
| 3  | Муаммоли вазиятлар таҳлили “case-study”   | Руан Згутович (Хамлайн Университети, Сент-Пол, Миннесота, АҚШ)         | 69%                               | Муаммоли вазиятлар: “Қимматхоннинг дарди”, “Бўри”, “Ялмоғиз кампир” мавзусида                     | Ўзбек менталитети, ўқувчининг ёшига ва ўзбек тили фанига мос муаммоли вазиятлар берилди   | 79%                        | Муаммоли вазиятга таҳлилий ёндоқиш, мантикий фикрлаш, нотиклик, фикрларни асослаш компетенциялари  |
| 4  | Намойиш, химоя (тақдимот)   | Жессика М.М'бон, Гладус Кэмбои, Нели Андиема (Мои Университети, Кения) | 92%                               | Тақдимотлар “Намойишни рол орқали кўрсатинг”, “Пантомима тарзида акс эттиринг”                    | Ўзбек тили фани мавзуларига мослаштирилган тақдимотлар ва муҳокама ташкил этилади   | 73%                        | Лингвистик, нотиклик, шахслараро муносабат, мантикий фикрлаш, етакчилик (лидерлик), жисмоний компетенциялар                                      |
| 5  | Қарорлар дарахти, Мақсадлар дарахти (Тушунчаларни тармоқлаштириш кўринишида акс эттирилади) | Галкина Е.В. (Орловск давлат университети, Россия)                     | -                                 | “Кугувлар” дарахти, “Билимлар” дарахти, “Алфавит” дарахти, “Мевалар” дарахти.                     | Ўзбек тили фани дарс мавзуларига мос вазифалар, топшириқларни луғат билан ишлаш орқали табиий дарахт схемаси кўринишида амалга оширилади          | 82%                        | Лингвистика, жисмоний, мантикий фикрлаш, ўзаро муносабат (киришувчанлик) луғат бойлигини ошириш, ижодий тафаккурни ривожлантириш компетенциялари |

## Таълим методларини танлашга таъсир этувчи омиллар

| Омиллар   | Черкасский институтнинг профессори И.П.Подласыйнинг таҳлил натижасидаги омиллар кетма-кетлиги | Куанта Ру Университети (Мексика) М.Санчес, М.Марибель ва бошқа олимларнинг таҳлиллари натижасидаги омиллар кетма-кетлиги | Тадқиқот асосида олиб борилган тажриба-синовнинг таҳлили |                            |
|---|---|--|--|----------------------------|
|   |   |  | Омиллар кетма-кетлиги                                    | Омилнинг таъсири (%) N=178 |
| Таълим мақсади ва фан мавзуси   | 1   | 1  | 1  | 0,90                       |
| Ўқув материални ўзлаштирилишга қўйилган талаблар (ДТ ва ДТС)  | 4   | -  | 2  | 0,87                       |
| Ўқув материалнинг ҳажми ва мураккаблиги   | 5   | 12   | 3  | 0,83                       |
| Синфдаги ўқувчиларнинг сони   | 15  | 9  | 4  | 0,80                       |
| Ўқувчиларнинг қобилияти ва ёши  | 8   | 6  | 5  | 0,78                       |
| Ўқув жараёнига белгиланган вақт   | 10  | 3  | 6  | 0,72                       |
| Таълимнинг ташкилий ва моддий-техник шароитлари   | 11  | 13   | 7  | 0,66                       |
| Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси  | 6   | -  | 8  | 0,63                       |
| Ўқувчиларнинг фаоллик даражалари  | 7   | 10   | 9  | 0,59                       |
| Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўқув жараёнида юзага келувчи ўзаро мулоқот (ҳамкорлик ёки авторитар (якка ҳокимлик)ка асосланган) | 14  | 7  | 10   | 0,56                       |
| Мавзунинг амалиёт билан боғлиқлик даражаси  | 3   | 4  | 11   | 0,53                       |
| Мотивация даражаси  | 2   | 8  | 12   | 0,51                       |
| Ўқув компетенцияларининг шаклланганлиги, ўқув тайёргарлиги  | 9   | 2  | 13   | 0,48                       |
| Таълим бериш тури ва шакллари   | 13  | -  | 14   | 0,45                       |
| Ўқитувчининг касбий компетенцияси   | 16  | 5  | 15   | 0,39                       |
| Қўлланадиган методлардан хабардорлик даражаси   | 12  | -  | 16   | 0,35                       |
| Таълим учун танланган вақт (эрталаб, душанба ва бошқа омиллар)  | -   | 11   | -  | -                          |

Юқорида келтирилган барча интерфаол методлар, энержайзер ва рефлексия машқлари интерфаол таълим моделида мақсадли, муайян вазифани бажаришга хизмат қилди. Уларнинг барчаси малака ошириш жараёнини такомиллаштириш ва унинг натижасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблари ўзга тил ўқувчиларининг ўзбек тили фанини ўқитиш жараёнида ўқув фаоллигини кучайтириш, жамоа ёки кичик гуруҳларда ишлаш, ўрганилаётган муаммо юзасидан шахсий қарашларни илгари суриш, ўз фикрини мустақил ўзбек тилида баён этиш, ҳимоялаш ва зарур ҳулосаларга келиш учун хизмат қилади. Мақсад эса, давлат тилини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш каби юксак вазифани бажаришдир.

Ишнинг “Интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёни самарадорлиги” деб номланувчи учинчи бобида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида интерфаол таълим модели такомиллаштирилди ва амалдаги ўқув режа ва дастурларга мувофиқ амалиётга жорий этилди.

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш каби вазифалар таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сон “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, таълимнинг илғор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришни амалга оширишнинг амалий жиҳатлари асосланди.

Бугунги кунда экстрафаол, фаол ва интрофаол таълим жараёнларига интерфаол методларнинг татбиқ этилиши, уларнинг самарали кечишини таъминлаш билан бирга, замонавий таълим учун ўта муҳим саналган ўзаро ҳамкорлик асосида таълим олиш учун маълум шароитларни вужудга келтиради. Интерфаол шаклда ташкил этилувчи таълимнинг самараси жуда юқоридир. Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, тингловчиларнинг сони таълим ёки ўзаро муносабатнинг сифати ҳамда самарадорлигини белгиламайди. “Ўзаро ҳамкорлик”нинг муҳим жиҳати унинг юзага келиши бўлиб, у асосида тингловчилар муайян фан асосларини мустақил, бир-бирлари билан ўзаро фаол муносабатда ўзлаштириш кўникмаларига эга бўладилар.


Бундай таълим бериш шаклининг асосини қўйидаги тамойиллар ташкил қилади. Булар, биринчиси, қулай шароит (ўқитувчи ва тингловчи учун), иккинчиси, ҳамкорлик (ўқитувчи билан тингловчи ва тингловчи билан тингловчи орасидаги ўзаро ҳамкорлик), учинчиси, барча деталларни ўйлаб чиқиш (ташкил этилиши режалаштирилган таълим жараёни бўйича) ва тўртинчиси, аниқ лойиҳага (шу таълим жараёнининг) асосланишдан иборат.

Асословчи тажриба ишлари респондент-тингловчиларнинг интерфаол таълим жараёнини ташкил эта олиш кўникма ҳамда малакаларига етарли



даражада эга эмасликларини кўрсатди. Уларнинг кўпчилиги интерфаол таълим, интерфаол жараён ва уларнинг моҳияти тўғрисида илмий-методик тушунчаларга эга эмасликлари сабабли таълим жараёнида улардан самарали фойдалана олмасликлари маълум бўлди.

Таъкидловчи тажриба босқичида мазкур ҳолатга барҳам бериш мақсадида амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар малака ошириш жараёни амалиётига татбиқ этилди. Тадқиқотлар таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини оширишда интерфаол таълим модели ташкил этилган тақдирда ўз самарасини беришини кўрсатди (2-расм).



2-расм. Интерфаол таълим жараёнининг модели

Ишнинг тўртинчи боби “Тажриба–синов ишларининг умумий моҳияти ва самарадорлиги” деб номланган бўлиб, унда тажриба-синов ишларининг қўйилиши ва асосий босқичлари мазмуни, шунингдек, тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси ўрганилган.

Тажриба-синов дастури қуйидаги метод ва воситалар асосида шакллантирилди:

1. Респондент-тингловчилар учун мўлжалланиб, ўзбек тили ўқитувчиларининг интерфаол методлардан фойдаланиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларининг мавжуд даражасини баҳолашга йўналтирилган анкета сўровлари (анкета сўровлари таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш курслари учун

ишлаб чиқилди; бундан кўзланган мақсад малака ошириш курсларида ўзбек тили ўқитувчиларининг интерфаол методлардан фойдаланиш тажрибаларига эга бўлишларига қаратилаётган эътибор ва амалий иш ҳолатини таҳлил қилиш, шунингдек, ўзбек тили ўқитувчиларида ўз устиларида ишлаш, таълим жараёнига нисбатан ижодий-технологик ёндашувга эга эканликларини баҳолашдан иборат бўлди); тажриба даврида мавжуд ҳолатни имкон қадар объектив баҳолаш мақсадида очик (аноним) анкета сўровларидан фойдаланилди.

II. Сухбат, савол-жавоб ва интервьюлар учун ишланмалар (анкета сўровларини сухбат, савол-жавоб ҳамда интервью методлари билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқлиги тажрибада тасдиқланган, чунки, анкета сўровларини ўтказишда респондентларнинг ўз фикрларини ёзма жавобда тўла ифода қила олмагани ҳолатлари учрайди, буни бар тараф этиш ва уларнинг ўз фикрларини батафсил ифода қилиш имкониятини яратиш учун сухбатлар, савол-жавоблар ва интервьюлар ҳам ташкил этилади).

Тажриба даврида анкета сўровларини ташкил этиш, амалий тренингларни ўтказиш, сухбат, интервьюларни уюштириш, респондентларнинг амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги таассуротларини ўрганиш каби вазиятларда савол-жавоблардан самарали фойдаланилди.

Интервьюлар эса респондентларнинг тажриба даврида уюштирилган тадбирларга муносабати, умуман кутилган натижаларнинг қўлга киритилганлик ҳолатини баҳолаш мақсадида қўлланилди.

III. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчиларида интерфаол методлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга оид методик қўлланма ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишларининг мақсадли, изчил, узлуксиз, ташкилий-технологик ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилишига эришиш мақсадида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш механизми амалга оширилди. Бунда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган интерфаол таълим модели такомиллаштирилди. Бу ўзбек тили ўқитувчиларида интерфаол методлардан фойдаланиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланди.

IV. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчиларида интерфаол методлардан фойдаланиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга оид амалий ишлар (маъруза, амалий тренинг, назорат ишлари) амалга оширилди. Ўзбек тили ўқитувчиларида таълимни интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш кўникма ва малакалари даражаси уларнинг мазкур йўналишдаги ижодий ишлари билан танишиш, улар ўртасида тест сўровларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг педагогик фаолиятини бевосита кузатиш асосида баҳолаб борилди.

